



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - iyul

7 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Саидова Холида  
Рахимовнанинг тузар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Саидова Холида Рахимовнанинг “Маънавият” маҳалласида жойлашган тузар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 30 ноябрдаги ХО-С-3376-сонли аризасини, “Маънавият” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4069-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва тузар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 136,02 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 139,4 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 275,42 квадрат метр, қурилиш ости майдони 181,76 квадрат метр, умумий ер майдони 1000,0 квадрат метр ушбу тузар жой биносига нисбатан фуқаро Саидова Холида Рахимовнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Саидова Холида Рахимовнага ушбу тузар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг

36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Саидова Холида Рахимовнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**